# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 22 октябрь, № 205 (5372) Шанба


# ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Азиз дўстлар!

Энг аввало, сиз қадрдонларимни — заҳматкаш бободеҳқон ва фермерларни, сувчи ва механизаторларни, агроном ва селекционерларни, барча мутахассис ва мутасаддиларни ўз зиммангизга олган шартнома мажбуриятларини шараф билан адо этиб, юртимиз хирмонига 3 миллион 500 минг тоннадан ортиқ юқори сифатли пахта ҳосили етказиб берганингиз билан самимий табриклайман.

Бугун сиз азизларни чин қалбимдан қутлар эканман, мен кўпчилик қаторида пахта етиштириш каби деҳқончилик бобида дунёдаги энг мураккаб ва нозик соҳа бўлмиш, нафақат чуқур билим ва катта тажрибани, аввалламбор, оғир ва машаққатли меҳнатни талаб қиладиган ишга ўзини бағишлаган, ўз касбининг устаси ва фидойиси бўлган миллион-миллион юртдошларимизни ўзимга тасаввур қиламан ва эришилган ғалабага қўшган муносиб ҳиссангизни юксак қадрлайман.

Сизларнинг пешона терингиз, азму шижоатингиз билан қўлга киритилган бу улкан марра Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллик қутлуғ тўйига яна бир беқиёс совға бўлди, десам, ўйлайманки, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Дарҳақиқат, ҳаммамиз яхши тушунамиз — деҳқон учун осон йилнинг ўзи бўлмайди. Бу йилги қишлоқ хўжалик мавсуми биз учун кўп жиҳатдан оғир бўлди. Жорий йилда баҳор фаслида юз берган табиий қийинчиликлар, ёз ойларидаги қаттиқ қурғоқчилик ва кучли сув тақчиллиги, жазирама иссиқ ва гармселлар ҳосил тақдирини хавф остида қолдирди.

Хусусан, ғўза айни ривожланиб, ҳосилга кирадиган июль-август ойларида ҳарорат йиллик ўртача меъёрдан анча юқори бўлгани, турли зараркунанда ва касалликлар кўпайгани ҳам қанча-қанча муаммо ва ташвишлар туғдирганидан ҳаммамиз хабардормиз.

Ана шундай қийинчиликларга қарамасдан, сиз — кўпни кўрган, ҳаёт синовларида тобланган, омилкор деҳқонларимизнинг ҳар туп ғўза атрофида парвона бўлиб қилган меҳнатингиз, матонат ва мардлигингиз эвазига бугунги юксак пахта хирмонининг бунёд этилганини халқимиз чуқур тушунади ва англайди.

Мамлакатимизда аграр соҳанинг истиқболини кўзлаб, ўз вақтида фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб берилгани ҳар томонлама тўғри ва самарали йўл бўлганини ҳаётнинг ўзи кўп-кўп мисолларда тасдиқлаб бермоқда.

Ҳозирги пайтда фермерлик ҳаракати нафақат юқори даромад олиш, нафақат ўзини ва оиласини боқиш, айни пайтда ўз олдига узоқ ва давомли мақсадлар қўйиб, қишлоқларимиз, бутун мамлакатимизнинг бугунги куни ва келажаги учун масъулиятни зиммасига олишга қодир бўлган ҳал қилувчи сиёсий-ижтимоий кучга айланиб бормоқда, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Шу ўринда бир фикрни такрор айтишни жоиз, деб биламан.

Фермерлик ҳаракатининг туб моҳиятини чуқур тушуниб, деҳқончилик маҳоратини пухта эгаллаган, ўз фаолиятида бир нечта замонавий касбларни мужассам этган, доимо олдинга интилиб, янги-янги режа ва мақсадлар билан яшайдиган, бой тажрибасини ёш авлодга — ўзининг муносиб давомчиларига бераётган фермерларни мен ўзимнинг энг яқин маслакдошим ва таянчим, деб биламан.

Бу йил пахтачиликда эришган катта ютуқларимизнинг энг муҳим омиллари қаторида биринчи навбатда ернинг унумдорлигини оширишга қаратилган амалий ишларимиз ҳақида, фақатгина охирги тўрт йил мобайнида мамлакатимиз бўйича 539,5 миллиард сўм маблағ сарфлаш ҳисобидан 1 миллион 164 минг гектар суғориладиган майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланганини хусусида алоҳида таъкидлашни ўринли, деб биламан. Шу борада ерни шудгор қилиш ва текислашдан тортиб, сифатли уруғ тайёрлаш, ҳар томчи сувдан оқилона фойдаланиш, ғўзага ишлов бериш билан боғлиқ барча агротехник тадбирларни юқори даражада ўтказганимиз, ҳеч шубҳасиз, мўл ҳосил тўплаш ва сифатли тола олишда ҳал қилувчи омил бўлганини эътироф этишимиз зарур. Шу билан бирга, жорий мавсумда деҳқон ва фермерларимиз дефолиациянинг аҳамиятини чуқур англаган ҳолда, уни барча майдонларда ўз вақтида ва сифатли амалга оширгани ҳам ўтган йилга нисбатан пахта етиштириш, йиғим-терим ишларини тезлаштириш ва уюшқоқлик билан ташкил қилиш, энг муҳими, ҳосилнинг аксарият қисмини юқори сортларга топшириш имконини берганини қайд этиш лозим.

Бу йилги пахта ҳосилининг 90 фоиздан кўпроғи юқори сортлар билан етказиб берилгани айнан ана шундай муҳим тадбирларнинг самараси, десак, янглишмаган бўламиз. Шартнома мажбуриятларини биринчилардан бўлиб бажарган Андижон вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий вилояти, шулар қаторида мамлакатимизнинг юксак пахта хирмонини бунёд этишга муносиб ҳисса қўшган барча вилоятларимизнинг пахтакорлари ва меҳнаткашлари юртимиз деҳқонларига хос олижаноб фазилатларни намойиш этдилар. Айниқса, Денов, Сариосиё, Вобкент, Пахтаобод, Жалақудуқ, Дўстлик, Уйчи, Наманган, Шаҳрисабз, Тошлоқ, Учкўприк, Қизилтепа, Кармана, Нарпай, Иштихон, Амударё, Қораўзак, Чиноз, Юқоричирчиқ, Боёвут, Гурлан, Хонқа туманлари белгиланган мажбуриятларни 20-25 иш кунида бажариб, кўпчиликка ўрнак ва намуна бўлганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Кунни — кун, тунни — тун демасдан қилган фидойи меҳнати эвазига бир қарашда тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган катта ютуқларга эришган юзлаб фермер хўжаликларининг номларини бугун ҳурмат билан тилга олиш мумкин ва шу фурсатдан фойдаланиб, уларнинг барчасига чуқур миннатдорлик изҳор этишни ўзимнинг юксак бурчим деб биламан.

Бугунги қувончли айёмда жорий мавсумнинг асосий якунлари ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, пахтачиликдан олинадиган даромад, моддий манфаатдорлик ортиб бораётгани ҳақида тўхталишимиз табиийдир. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, бу йил пахтачилик бўйича ялпи даромад, ўртача ҳисоблаганда, 2 триллион 400 миллиард сўмдан зиёд ёки ўтган йилга нисбатан 25 фоиз кўп бўлиши кутилмоқда. Бу ўз навбатида қишлоқларимизни, бутун юртимизни янада обод қилиш, янги мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, замонавий тиббиёт масканлари, болалар спорти объектлари, намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар, ижтимоий инфратузилма иншоотлари барпо этиш, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг ҳаётини янада фаровон қилиш учун улкан имкониятлар туғдириши шубҳасиздир.

Азиз дўстлар!

Сизларга яхши маълумки, ҳозирги кунда ўзбек пахтасига жаҳон бозорида талаб ва қизиқиш тобора кучайиб бормоқда. Буни яқинда азим пойтахтимиз — Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги халқаро пахта ва тўқимачилик ярмаркаси доирасида йирик хорижий фирма ва компаниялар билан 650 минг тонна пахта толасини сотиш бўйича шартномалар тузилгани ҳам кўрсатиб турибди.

Шу муносабат билан яна бир муҳим масала — пахта толасини юртимизда қайта ишлаш ҳажмини кескин ошириш бўйича қабул қилинган дастурга мувофиқ тарихан қисқа муддатда мамлакатимизда 200 дан ортиқ тўқимачилик корхонаси модернизация қилингани, хорижий шериклар билан ҳамкорликда энг замонавий технологиялар асосидаги янги-янги қўшма корхоналар барпо этилаётгани туфайли етиштирилган қимматбаҳо хом ашёни тайёр маҳсулот ҳолида, қўшимча қиймат билан халқаро бозорга чиқариш имконига эга бўлганимизни таъкидлаш даркор.

Ўзингиз тасаввур қилинг, агарки 90-йилларда етиштирилган пахта толасининг 7 фоизи ўзимизда қайта ишланган бўлса, ҳозирги вақтда ушбу рақам 33 фоиздан зиёдни ташкил этаётгани Ўзбекистон бу йўлда қандай дадил қадамлар билан бораётганининг ва бу борада биз эришаётган катта-катта натижаларнинг яққол ифодаси десак, асло хато бўлмайди.

Бу кўрсаткични яқин келгусида изчил равишда ошириш бўйича олиб бораётган амалий ҳаракатларимиз иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, минг-минглаб янги иш ўринлари ташкил этиш, оладиган даромадларимизни янада кўпайтиришга хизмат қилиши муқаррар.

Азиз ва муҳтарам юртдошларим!

Бугунги хурсандчилик кунда Ўзбекистоннинг юксак пахта хирмонига муносиб ҳисса қўшган сиз, фидойи деҳқон ва фермерларимиз, барча қишлоқ меҳнаткашларини бағримга босиб, яна бир бор табриклар эканман, сизларга қалбимнинг тўрида бўлган самимий ҳурмат ва эҳтиромимни, эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Мана шундай шукуҳли дамларда биздан марҳаматини дариғ тутмасдан, ўз паноҳида асраб келаётгани, доимо йўлимизни очиб бераётгани учун Яратганимизга шукроналар айтишимиз ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Эл-юртимиздан, хонадонларимиздан файзу барака, тинчлик-осойишталик аримасин!

Ҳалол меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, ҳеч қачон кам бўлманг, азизларим, қадрдонларим!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Мамлакатимизда тинчлик, барқарорлик ва жамоат тартибини таъминлаш борасидаги кўп йиллик шавкатли меҳнати, шунингдек хизмат бурчини адо этишда кўрсатган мардлик ва фидойилиги, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати учун қуйидагилар мукофотлансин:*

**«Меҳнат шуҳрати» ордени билан**

**Сабиров Халик Садикович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби кафедра бошлиғининг ўринбосари

**II даражали «Шон-шараф» ордени билан**

**Атаходжаев Адил Иргашевич** — Тошкент шаҳар Сергели тумани ички ишлар бошқармаси бошлиғи

**Хусанов Фазлиддин Аббозович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси бошқарма бошлиғи

**«Дўстлик» ордени билан**

**Камалов Ойбек Ахматович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси кафедра бошлиғи

**Ким Илья Валерьевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги назорат-тафтиш инспекцияси бошлиғининг ўринбосари

**Рахимов Гулам Гафурович** — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси эксперт-криминалистика бўлими бошлиғи

**«Жасорат» медали билан**

**Артиков Мустафо Бобоқулович** — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Жумаев Дилшод Алиёрович** — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командирининг ўринбосари

**Мадиримов Руслонбек Қадамович** — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командирининг ёрдамчиси

**Мухторов Ортиқ Шухратович** — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командирининг ўринбосари

**Отабеков Равшанжон Кодирович** — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғи

**Рашидов Ойбек Икромович (марҳум)** — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми ҳайдовчиси

**Саматов Алимжан Раимджанович** — Тошкент вилояти Ангрен шаҳар ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими бошлиғининг ўринбосари

**Тауекелов Медетбай Тауекелович** — Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот тумани ички ишлар бўлими қўрғон милиция бўлинмаси бошлиғи

**Яминов Шавкат Тухтамурадович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси катта тезкор вакили

**«Содиқ хизматлари учун» медали билан**

**Абдижамилов Акмал Абдурауфович** — Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани ички ишлар бўлими қўрғон милиция бўлинмаси бошлиғи

**Ашуралиев Носиржон Назирович** — Фарғона вилояти Фарғона тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими катта тезкор вакили

**Кадиров Улуғбек Махмуджанович** — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Курбонов Зарифжон Давронович** — Навоий шаҳар ички ишлар бўлими ҳузуридаги қўриқлаш бўлими милиционери

**Матниязов Шнибай Жолдасбаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Раджабов Бунёд Норкулович** — Самарқанд шаҳар ички ишлар бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми ёнғин ўчирувчиси

**Сативалдиев Абдувахоб Абдиразакович** — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлинма бошлиғи

**Сафаров Бехзод Нормуродович** — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси тезкор вакили

**Серкабоев Бахтиёр Олимбоевич** — Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ички ишлар бошқармаси тергов бўлими бошлиғининг ўринбосари

**Тажибаев Мансур Газибаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бўлим бошлиғи

**Турматов Жамолиддин Рахматуллаевич** — Жиззах вилояти Зафаробод тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Хасанов Ориф Шарипович** — Транспортдаги Ички ишлар бошқармаси Термиз бекатидаги тармоқ ички ишлар бўлими кичик инспектор-кинологи

**Худойбердиев Санжар Мухаммадович** — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бўлинма бошлиғи

**«Шуҳрат» медали билан**

**Когай Наталья Сергеевна** — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси шахсий таркиб билан ишлаш хизмати катта инспектори

**Мингбоев Дониёр Сунатович** — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони милиционери

**Рустамов Алишер Каримович** — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командири

**Саидов Шахри Хужакулович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси катта тезкор вакили

**Тошбаев Ғайрат Панжиевич** — Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Уразбаев Айбек Зарипбаевич** — Хоразм вилояти Гурлан тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Усманова Хилола Уматалиевна** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги портлаш техникаси экспертиза маркази бўлинма бошлиғи

**Худякова Ольга Степановна** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги шахсий таркиб билан ишлаш хизмати канцелярияси бошлиғи

**Эминов Асрор Жураевич** — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони милиционери

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2011 йил 21 октябрь

**Туркманистон:**

## МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТНИНГ 20 ЙИЛИ

***Ўрта Осиёнинг ғарбий қисмида жойлашган Туркманистон — ноёб тарихий ва маданий анъаналар мамлакатидир. Бугунги кунда ушбу мамлакат шаҳарлари ўз қиёфасини буткул ўзгартираётгани ҳолда, Европа мегаполисларининг кўринишини касб этиб бораётир. Бунда, шубҳасиз, ўзига хос меъморчиликда, биноларнинг ва кўп сонли тарихий ёдгорликларнинг безакларида Шарқ руҳи ўз ифодасини топган.***

1991 йил 27 октябрда Туркманистон мустақиллиги эълон қилинганидан сўнг ўзига тўқ давлат сифатидаги ўз ўрнини мустаҳкамлагани ҳолда у тарихан қисқа давр ичида ижтимоий-иқтисодий тараққиётда салмоқли муваффақиятларни қўлга киритди. Мамлакатнинг асосий мақсадларидан бири тараққий топган давлат секторига эга бўлган юқори самарали тизимни шакллантириш, самарали тадбиркорлик ва замонавий бозор инфратузилмаси, аҳоли барча қатламларининг ижтимоий кафолатланишини таъминлайдиган ишчан макроиқтисодий бошқарув асносидаги ривожланган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш ҳисобланади. Бу йўналишда кенг кўламли янгиланишлар ва ислоҳотлар рўёбга чиқарилмоқдаки, уларнинг натижалари сифатли ўзгаришларга олиб келаётганини пайқаш асло қийин эмас.

Шубҳа йўққи, Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов томонидан 2010 йил 14 май куни тасдиқланган “Туркманистоннинг 2011 — 2030 йиллар мобайнидаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти Миллий дастури” доирасида ҳаётга татбиқ этилаётган иқтисодий стратегия мамлакат эришаётган муваффақиятларнинг асосини ташкил қилади.

Глобал молиявий инқироз шароитида мамлакат кўрсаткичлари ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг барқарорлигини намоён қилмоқда. Жаҳоннинг аксарият мамлакатларида иқтисодий ўсиш суръатлари ва ишлаб чиқариш жараёнлари стагнациясининг сезиларли даражада пасайиши кузатилган давр оралиғида Туркманистонда ялпи ички маҳсулот ўсишининг суръатлари 6 фоиздан камаймади.

(Давоми 2-бетда).

Ифтихор



## МЕҲНАТ, МАТОНАТ ВА МАРДЛИК САМАРАСИ



1996 йили Тошкентда ўтказилган нуфузли анжуман — Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитасининг 55-ялпи мажлисида Юртбошимиз ғурурга тўлиб, ифтихор ила шундай деган эдилар: “Пахта Ўрта Ер денгизи соҳиллари, Яқин Шарқ ва Кичик Осиёга Марказий Осиёнинг қоқ маркази — айнан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидан тарқалган”. Кўҳна тарихнинг шаҳодат беришича, ота-боболаримиз юзлаб йиллардан буён ерга чигит экиб, пахта етиштириб келаётганлари бу ҳақиқатнинг ёрқин далили эмасми?

(Давоми 2-бетда).

# Qishloq Qurilish Bank

# «Қишлоқ қурилиш банк»: БАРҚАРОРЛИК ВА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

***Мамлакатимизда жаҳон ҳамжамияти томонидан “ўзбек модели” деб эътироф этилган тараққиёт тамойиллари асосида аниқ мақсадларга йўналтирилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Натижада глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий таъсирларига қарамай, иқтисодиётимизнинг барча тармоқларида барқарор ривожланишга эришилаётир. Жорий йилнинг тўққиз ойида республикамизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 8,2 фоизни ташкил этгани бунинг ёрқин далилидир.***

Мазкур ютуқларда, шубҳасиз, иқтисодиётнинг қон томири ҳисобланган банк-молия тизимининг муносиб ҳиссаси бор. Юртимиздаги йирик молия муассасаларидан бири — “Қишлоқ қурилиш банк” очиқ акциядорлик тижорат банки фаолияти бунга яққол мисол бўла олади.

Дарҳақиқат, иқтисодиётда таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш, етакчи тармоқларни жадал модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ҳамда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашга мўлжалланган лойиҳаларни молиялаштиришда ушбу банк фаол қатнашмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, жорий йилнинг январь — сентябрь ойларида банк умумий капитали йил бошидагига нисбатан 4,3 фоизга ошди. Бошқача айтганда, шу йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, 188,2 млрд. сўмни ташкил этди. Ўз навбатида, шаклланган устав капитали 153,8 млрд. сўмга, соф активлари 966,9 млрд. сўмга етказилгани эътиборга моликдир.

Банкнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида қатъий сиёсат юритилгани туфайли жалб қилинган депозитлар миқдори 715,2 млрд. сўмга етди, яъни йил бошидагига нисбатан 91,2 фоиз ўсишга эришилди.




## Ҳар бир мижоз – эътиборда

Бугунги кунда банкнинг 42 та филиали ва 300 дан зиёд шохобчалари бўлиб, улар орқали 98400 дан ортиқ юридик, 205400 дан кўпроқ жисмоний шахсларга турли банк хизматлари кўрсатилмоқда.




Таъкидлаш керакки, банк капиталлашув даражаси ва депозитлар ҳажмининг ўсгани актив операциялар кўламини ошириш, хусусан, кредитлашни янада кенгайтириш имконини берди. Мазкур жараёнда банк кредит сиёсати талабларидан келиб чиққан ҳолда, асосий даромад манбаи ҳисобланган банк активлари ҳажми, таркиби ва даромадлилигини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Пировардида 2011 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кредит қўйилмалари миқдори 805,5 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, ажратилган маблағларнинг 75,0 млрд. сўми саноат, 54,8 млрд. сўми савдо ва умумий овқатланиш, 34,4 млрд. сўми қурилиш ва транспорт, 30,4 млрд. сўми қишлоқ хўжалиги, 552,9 млрд. сўми имтиёзли ипотека кредитларига йўналтирилди. 57,8 млрд. сўми эса иқтисодиётнинг бошқа соҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадларига сарфланди.

Банк томонидан “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳам диққатга сазовор. Гап шундаки, ушбу йўналиш бўйича махсус чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, шу асосда тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажмини ошириш, қулай бизнес муҳитини яратиш пайидан бўлинди. Бу эса кичик корхоналарда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, айниқса, ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдириш, ташқи бозорга чиқиш борасида қўшимча имкониятларни яратди. Албатта, бунда мижозларга самарали банк хизматлари кўрсатиш мақсадида ҳар бир филиалда тадбиркорлик хоналари ташкил этилиб, улар зарур жиҳозлар билан таъминлангани ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Кичик бизнес субъектларини рағбатлантиришда, шунингдек, банк томонидан ўтказилаётган турли кўрик-танловларнинг роли сезиларли даражада ошмоқда. Масалан, мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллик шодиёналари арафасида ташкил этилган шундай тадбирда “Энг яхши бизнес режа”, “Энг яхши инновацион лойиҳа”, “Ишлаб чиқариш соҳасидаги энг яхши лойиҳа”, “Хизмат кўрсатиш соҳасидаги энг яхши лойиҳа”, “Энг яхши ёш тадбиркор”, “Энг яхши аёл тадбиркор” ва “Энг яхши инвестицион лойиҳа” номинациялари бўйича ғолиблар аниқланиб, улар банкнинг қимматбаҳо совғалари билан бирга, имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритдилар.

Шу ўринда касб-ҳунар коллежларининг кўплаб битирувчилари банк сармояларидан унумли фойдаланиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, жорий йилнинг тўққиз ойида 950,0 млн. сўм миқдоридаги имтиёзли микрокредитлар ёшларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилди.

Умуман олганда, кичик бизнес субъектларига банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қарийб 77,9 млрд. сўмга ортиб, 152,1 млрд. сўмни ташкил этди. Бунинг эвазига 3907 та иш ўрни яратилди.




Сир эмаски, кейинги йилларда тадбиркорлар сафи ишбилармон аёллар ҳисобига тобора кенгайиб бораётир. Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, айниқса, уларнинг лойиҳаларини рўёбга чиқариш, ўз бизнесини йўлга қўйишда муҳим дастуриламал бўлаётир. “Қишлоқ қурилиш банк” эса мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш мақсадида тадбиркор аёллар раҳбарлик қилаётган 3314 та хўжалик субъектини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келмоқда. Жорий йилнинг тўққиз ойида 511 нафар тадбиркор аёл жами 17,1 млрд. сўмлик банк кредитларидан баҳраманд бўлгани, бунинг натижасида тадбиркор аёллар томонидан фойдаланилаётган банкнинг умумий кредитлар қолдиғи 24,3 млрд. сўмни ташкил этгани ана шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Республика аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини барқарор таъминлаш, ички истеъмол бозорини юқори сифатли истеъмол товарлари билан бекаму кўст тўлдиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш масаласи ҳам банкнинг диққат-эътиборида турибди. Айни шу мақсадларга қарийб 23,4 млрд. сўмлик кредитлар ажратилгани, нозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги корхоналар ташкил этиш, мавжудларини модернизациялашга 33,0 млрд. сўмлик кредитлар берилгани бунинг ёрқин тасдиғи, дейиш мумкин.

## Сармоялар бунёдкорликка йўналтирилмоқда

Ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани янада ривожлантириш, қишлоқ жойларда замонавий уй-жойлар барпо этиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш билан боғлиқ инвестициявий лойиҳаларни молиялаштириш банкнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Жорий йилда бу борадаги ишлар изчил давом эттирилиб, умумий кредитларнинг 86,0 фоизи ёки 340,7 млрд. сўми инвестициявий лойиҳалар ижросига йўналтирилди. Шу жумладан, қишлоқ жойларда тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойлар қурилишига 285,4 млрд. сўм, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилишга эса 55,0 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Бу, ўз навбатида, 790 дан зиёд иш ўрни яратилишини таъминлади.

Маълумки, мамлакатимизда экспорт қилувчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларнинг ташқи бозорда рақобатбардошлиги ошиши, янги савдо йўналишларига эга бўлишида банкларнинг ҳам улуши беқиёсдир. Жумладан, “Қишлоқ қурилиш банк” жамоаси бундай корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш учун 5,3 млрд. сўмлик кредитлар ажратган эди. “Silver Silk Company” қўшма корхонаси, “Барчиной” хусусий корхонаси, “Қўқон чарм пойабзал сервис” МЧЖ, “Urganch Agro Holod” хусусий корхонаси каби кўплаб хўжалик юритувчи субъектлар мазкур маблағдан унумли фойдаланиб, ташқи бозорда эҳтиёж юқори бўлган янги турдаги маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйдилар.

Айтайлик, “Moderna Ceramic Industries” МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси импорт ўрнини босувчи қурилиш материаллари ишлаб чиқариш мақсадида банкнинг Фарғона минтақавий филиалидан 850 млн. сўм миқдорида кредит олган эди. Ушбу маблағ ҳисобига замонавий технологик ускуналар харид қилинди. Тез орада бу ерда 15 та иш ўрни яратилиб, маҳсулот тайёрлашга киришилади.

Банкнинг Тошкент вилоятидаги мижози “Шокарим Ҳожи” масъулияти чекланган жамиятига 299,3 минг АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилганди. Бунинг эвазига бир кеча-кундузда 5 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга ускуналар фаолияти йўлга қўйилди, 28 та иш ўрни очилиб, 9 хил сут маҳсулотлари тайёрлаш ўзлаштирилди.

Сирдарё минтақавий филиали томонидан берилган 322 млн. сўмлик кредит шарофати билан эса “Қамаристон нон” шўъба корхонаси фойдаланишга топширилди. Айни пайтда мазкур корхонанинг 15 кишилик жамоаси томонидан кунига 2,5 минг дона нон тайёрланиб, аҳоли дастурхонига етказилмоқда.

Бундай мисолларни республикамизнинг барча минтақасидан кўплаб келтириш мумкин. Сабаби, банк сармояларининг асосий қисми бунёдкорлик ва яратувчилик ишларига сарфланаяпти.

## Замонавий уйлар – фаровонлик белгиси

Ҳаммага аёнки, Юртбошимиз ташаббуси билан республикамизда қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини яхшилаш, замонавий қурилиш материалларидан фойдаланиб, кўркам уй-жойлар қуриш, ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш, пировардида қишлоқларимиз қиёфасини янада кўркамлаштиришга қаратилган кенг қамровли ишлар рўёбга чиқарилмоқда. Жорий йилда, масалан, Давлат дастурига мувофиқ, жойларда 7400 та уй-жой барпо этилиб, ўз эгаларига топширилиши керак. Бу мақсадлар учун жами 576,2 млрд. сўм сарфланаётган бўлса, ушбу маблағнинг 208,2 млрд. сўми аҳолининг ўз маблағлари, 368,0 млрд. сўми ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан ажратилган имтиёзли ипотека кредитлари ҳисобига тўғри келади.

Тураржойларнинг белгиланган муддатларда, сифатли қилиб фойдаланишга топширилиши, кўп жиҳатдан, қурилиш ташкилотларининг фаолиятига, уларнинг моддий-техник базасига боғлиқ. Шуни ҳисобга олиб, банк томонидан намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилишида қатнашаётган ихтисослаштирилган пудрат ташкилотларига 23,8 млрд. сўм кредит маблағлари берилди. Бундан ташқари, 31,2 млрд. сўм миқдоридаги сармоя уларни замонавий техника ва ускуналар билан таъминлаш мақсадларига йўналтирилди.

## Имконият, рағбат, фаоллик

Банкдан ташқари пул айланмаларини қисқартиришга қаратилган тадбирлар ижросини таъминлаш, жумладан, аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш бўйича ҳам фаол иш олиб борилмоқда. Зеро, бу мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантириш ҳамда аҳоли турмуш даражасини оширишда муҳим манба ҳисобланади. Шу боис банкнинг минтақавий ва туман филиаллари томонидан аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини банк омонатларига янада кўпроқ жалб этишни рағбатлантириш мақсадида 15 та миллий ва хорижий валютадаги омонат турлари амалиётга жорий қилинган.

Яқиндан бошлаб аҳолининг банк омонатларига бўлган қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда, қўшимча равишда миллий валютада яна 8 та янги омонат тури таклиф этилаяпти. Таълим кредити олиш имконини яратувчи “Келажак + таълим”, уй-жой қуришга имтиёзли кредит олиш имконини берувчи “Қурилишга сармоя” омонат турлари ана шулар жумласидандир.

Олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида бугунги кунга келиб, банкда омонатларига эга шахсларнинг умумий сони 49 минг нафардан ошди. Уларнинг банкдаги қўйилмалари эса 98,9 млрд. сўмни ташкил этди.

Президентимизнинг 2010 йил 19 апрелдаги “Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мисол учун, банк томонидан муомалага чиқарилган 202 мингдан зиёд пластик карточкалар ёрдамида 198,0 млрд. сўмлик операциялар амалга оширилди. Ўз навбатида, банк, савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш объектларида ўрнатилган 4424 та терминал орқали ўтказилган тўловлар ҳажми 278,4 млрд. сўмга етди.

Бугунги кунда 2000 дан ортиқ мижозлар ўртасида “Иш ҳақи лойиҳаси” рўёбга чиқарилмоқда. Мазкур лойиҳа доирасидаги тадбирлар пластик карточка эгаларига банк чакана хизматлар бозорининг фаол иштирокчисига айланиш, нақд пулларни банк айланмасига жалб этиш ва уларни самарали жойлаштириш имконини яратаётир.




**Банк Ахборот маркази.**

## Ривожланиш пиллапоялари

● “Қишлоқ қурилиш банк” очиқ акциядорлик тижорат банки эришаётган муваффақиятлар “Moody”s Investors Service” халқаро рейтинг компанияси томонидан юксак даражада эътироф этилиб, банк рейтинги яна бир бор қайта тасдиқланди. Унга барча рейтинг прогнози бўйича “Барқарор” баҳоси берилди.

**● 2011 йилнинг июль ойида “Ахбор рейтинг” миллий рейтинг компанияси томонидан берилган “UzA+ барқарор” рейтинг баҳоси ҳам қайта тасдиқланди.**

● Буларнинг барчаси “Қишлоқ қурилиш банк”нинг мамлакатимиз ва хорижда обрўси янада юксалиб бораётганидан, мижозлар кўнглига йўл топиб, уларнинг ҳақиқий ҳамкорига айланаётганлигидан яққол далолатдир.

## Ривожланиш пиллапоялари

● Республикамизда замонавий ахборот технологиялари жадал ривожланиб, улар иқтисодиётнинг турли соҳаларида янада кенгроқ татбиқ этилаяпти. Бу эса иқтисодиёт реал сектори сифат даражасининг ўсишини таъминламоқда. Шундан келиб чиқиб, мижозларга ахборот-коммуникация технологиялари асосида “Банк — мижоз”, “SMS-банкинг”, “Интернет-банкинг”, “Мобиль-банкинг” сингари замонавий банк хизматлари кўрсатишни ривожлантиришга жиддий аҳамият берилаяпти. Пировардида банкнинг хизмат турлари доираси кенгайиб, жумладан, “SMS-банкинг” хизматидан 3975 та, “Интернет-банкинг” ва “Банк — мижоз” тизимларидан 612 нафар мижоз фойдаланмоқда.

**● Банк томонидан етакчи халқаро тўлов тизимларидан бири — “VISA International” тизимининг карточкалари муомалага киритилган. Бу дунёда кенг тарқалган “VISA Classic” пластик карточкалари бўйича ўз хизматларини таклиф этиш имконини бермоқда.**

| ОМИХТА ЕМ 331,7 ▼ -37,7 | ШРОТ 311,1 ▲ +7,0 | ШЕЛУХА 127,8 ▲ +3,4 | ПОЛИЭТИЛЕН B-Y 460 4296,3 ▼ - 738,6 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0760 4618,6 ▼ - 263,9 | ПОЛИЭТИЛЕН I-1561 4912,3 ▼ - 30,0 | МАЗУТ 351,6 ▲ +10,5 | СУЮЛТ. ГАЗ 1575,6 ▲ +338,6 | КЎМИР(бпк) 40,3 ▲ + 0,4 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|

## Истиқлол манзаралари



**Ўзбекистон — улуғ мутафаккирлар, олиму фузалолар етишиб чиққан табаррук замин. Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида уларнинг хотирасига юксак эҳтиром кўрсатилиб, сўнгги манзиллари ободонлаштирилди. Бундан ўн уч йил муқаддам Имом Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги муносабати билан Самарқанд вилоятининг Хартанг қишлоғида қад ростлаган беназир мажмуа ана шундай қутлуғ манзиллардан биридир. Ушбу ашъор давлатимиз раҳбарининг бевосита кўрсатма ва ташаббуслари асосида қад ростлаган Имом Бухорий зиёратгоҳи ҳақида бўлиб, унда истиқлолнинг нақадар улуғ неъмат эканлиги тараннум этилади.**

**Абдулла ОРИПОВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири.**

# ИМОМ БУХОРИЙ

Айни авжга чиққан пайт
Худосизлик даъвоси.
Масковга келар бўлди
Бир мусулмон подшоси.

Сиёсат ўгайни ҳам
Туғишганим дедирар.
Айтмаганни айттириб,
Емаганни едирар.

Подшонинг-чи кўнглига
Қарамоқлик фарз эрур.
Чунки икки томон ҳам
Бир-биридан қарз эрур.

Қайга деса олиб бор,
Кошонами, уяга.
От деса отга миндир,
Туя деса туяга.

Бироқ бу галги подшо
Қайсарроқ чиқиб қолди.
Бир жойга бораман деб,
Сўзида туриб олди.

У жой эса ташландиқ,
Хароба ҳамма ёғи.
Олис Ўзбекистоннинг
Хартанг деган қишлоғи.

Бор экан у манзилда
Зиёратгоҳ бир маскан.
Лекин буткул қаровсиз,
Атрофини ўт босган.

Подшо дегани бунча
Нозик ҳам бўлмасин-да.
Айтганини қилайлик,
Сазаси ўлмасин-да.

Дедилар: — Аълоҳазрат,
Сизни элтамиз тезда.
Самолёт қўнолмайди,
Борақолинг поездда.

Шу орада Хартангни
Гўё таъмир этдилар.
Меҳмонни ҳафта ўтмай,
Манзилгача элтдилар.

"Ассалому алайка",
Минг шукурдир борига.
Имом хокига етдик,
Етишдик Бухорийга.

Подшодан гадогача
Бу даргоҳда тенг эрур.
Имомга-чи Ватан тор,
Гарчи дунё кенг эрур.

Ҳа, замоннинг ҳовузи
Лойқага тўлган эди.
Ҳадис илмин султони
Беҳурмат бўлган эди.

Масжидлар даргоҳида
Юрмасам-да чекиб оҳ.
Дилимда иймон нури
Яшнар, алҳамдулиллоҳ.

Будда ҳам, насроний ҳам
Ўз диним, ўз элим дер.
Аслида эътиқоднинг
Пойдевори илмдир.

Мукаррам этди Эгам
Бизга дини Исломни.
Бухорийдек зотлар-чи
Огоҳ қилди авомни.

Ҳадис чўнг илм бўлди,
Етиб Ҳақнинг ризоси.
Айтса арзир: Бухорий
Пайғамбарнинг мирзоси.

Бисёр эди донишлар,
Ё олим, ё пир эди.
Ҳаммасининг у замон
Кўргулиги бир эди.

Уларнинг хок туробин
Оёқ ости этдилар.
Ҳимоя қилганларнинг
Бошлари ҳам кетдилар.

Қалбларнинг алангаси
Туташгандай бир оҳга.
Элнинг армон, ҳасрати
Етди бир кун Аллоҳга.

Шукур, замон ўзгариб,
Қад ростлади эҳромлар:
Ат-Термизий, Нақшбанд,
Хартанг, Ҳасти Имомлар.

Баҳоуддин гувоҳдир
Ўша асрий нидога.
Юрт қўл очар, Юртбоши
Қўл очганда дуога.

Пойтахтга кел, ниятинг
Бўлмасин асло ярим.
Бу жойдадир энг ноёб
Мусҳаф — Қуръони карим.

Бош қўйдик биз саждага
Йигирма йил беҳадик.
Гоҳ дуч келдик фитнага,
Синовларга чидадик.

Минг шукур, тиклай олдик
Буюк боболар номин.
Юртни ёмон кўзлардан
Ўзи асрасин. Омин.

# ОРЗУ-НИЯТЛАРИ УЛУҒ БАРКАМОЛ АВЛОД

***Хитойда бўлиб ўтган "Жанжиажие — 2011" халқаро мусиқа фестивали — "Ўзбегим ёшлари" ансамбли аъзолари иштирок этган навбатдаги нуфузли тадбирлардан бири. Ижодий гуруҳнинг истеъдодли йигит-қизлари сўнгги етти-саккиз йил ичида Малайзия, Ҳиндистон, Бельгия, Испания, Франция, Португалия сингари ўндан зиёд мамлакатларга бориб, жаҳон миқёсидаги йирик санъат анжуманларида муваффақиятли қатнашишган. Бу гал ҳам улар чет эл сафари олдидан жиддий тайёргарлик кўришди.***

— Шогирдларимнинг шижоати, интилиши ва қатъиятига ўзимнинг ҳам ҳавасим келади, — дейди "Ўзбегим ёшлари" ансамблининг бадиий раҳбари Лутфия Рўзибоева. — Уларнинг Хитой фестивалида ғолибликка эришганликларига асосий сабаб ҳам шу, аслида. Биласиз, дунёнинг 27 мамлакатидан борган тажрибали ижодкорлар орасида "Энг яхши ансамбль" номинацияси бўйича биринчиликни қўлга киритиш осон эмас.

Биз "Ўзбегим ёшлари" ансамбли Хитой сафаридан қайтганини эшитганимиз ҳамоно улар билан фестиваль таассуротлари ҳақида ўртоқлашиш учун шошилдик. Ва "Жанжиажие — 2011" II халқаро мусиқа фестивали (9 — 16 сентябрь кунлари бўлиб ўтди) доирасидаги тадбир ҳамда беллашувлар тасвири туширилган видеоёзувни томоша қилиб, дилда ғурур ҳиссини туйдик. Турли миллату элат вакилларидан иборат санъат шайдоларининг саҳнадаги ёшларимизни оёққа қалқиб, "Ўзбекистон, офарин!" дея олқишлаганликларидан бениҳоя таъсирландик.

### Эътироф

— Фестивалга алоҳида тайёргарлик кўриб, хилма-хил концерт дастурларини тайёрлаб борганимиз боис етти кун мобайнида саҳнани тарк этмадик, — дейди ансамбль аъзоси Мамлакат Улашева. — Бухоро, Хоразм, Фарғона, Сурхондарё ва Қорақалпоғистон ҳудудларининг фольклор санъатини намойиш этишга, ранг-баранг миллий либосларимиз, бетакрор урф-одат ва анъаналаримизнинг бутун жозибасини кўрсатиб беришга астойдил ҳаракат қилдик. Фестивалнинг беллашув қисмларидагина эмас, маданий тадбирлар, Ханян вилояти бўйлаб уюштирилган концерт дастурларида фаол иштирок этдик. Баланд тоғ устидаги концертда, айниқса, жамоамизнинг аҳиллиги, якдиллиги янада яққолроқ намоён бўлди. Кўпчилик мамлакатлар вакиллари тоғдаги совуқда, яна қор ёғиб турган бир пайтда саҳнага чиқишга жазм этишмади. Биз эса шу ерда тўрт соат концерт бердик. Фестиваль тадбирларини ёритган оммавий ахборот воситалари бу хусусда жуда кўп мақолалар, кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрлашди. Доирачи — Ғуломқодир Фозиловнинг зарбли чолғулар беллашувида маҳоратини намойиш этиб, бир ўзи саккиз мамлакат вакилини ортда қолдиргани эса шов-шув бўлиб кетди. Доирамизнинг бебаҳолигини қарангки, Ғуломқодир бошқа миллатларнинг зарбли чолғуларини осонлик билан чала билди, аммо уларнинг бирортаси ҳам ўзбекча доира усулини уддалай олмади. Ўша пайтда бизнинг санъатимизга тенг келадиган санъат дунёда топилмаслигига яна бир бор амин бўлдик ва ғурурландик.

Бизнингча ҳам шундай. Зотан, ўн олти нафар иқтидор соҳибининг юрагига чўғ солиб, уни аланга олдирган, юксак марралар сари чорлаётган ҳис — айнан миллий ғурурдир. Қувонарлиси, "Ўзбегим ёшлари" шарафига бу гал ҳам юртимиз байроғи баланд кўтарилди. Ёшларимизнинг истеъдод ва салоҳияти юксак эътирофларга сазовор бўлди. Хитой фестивали ниҳоясида вакилларимиз Индонезия, Кувайт, Италия, Грузия мамлакатларида бўлиб ўтадиган халқаро тадбирларга алоҳида эҳтиром ила таклиф этилдилар. Демак, олдинда яна улкан ютуқлар, фахрланса арзигулик натижалар...

Энг муҳими, шашту шижоати баланд, орзу-ниятлари беғубор ёшларимиз она-юртни жаҳон узра мадҳ этиш, элу халқнинг чинакам маънода ишонган, таянган ва суянган фарзанди сифатида оламшумул ютуқларга эришишни мақсад қилиб, дадил интилишда давом этмоқдалар.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Бунёдкорлик

# Шифо маскани янги бинода

***Қумқўрғон туманида юқумли касалликлар шифохонасининг 40 ўринли янги биноси фойдаланишга топширилди.***

Лойиҳа қиймати 1 миллиард 651 миллион сўмлик ушбу иншоот "Агромаштаъмирқурилиш" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан бунёд этилди.

Замонавий ташхис ва таҳлил ускуналари билан жиҳозланган шифохонада беморларнинг қисқа муддатда даволаниб чиқишлари учун барча шарт-шароит яратилгани эътиборлидир.

**О. УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


«SIBUZ-INVEST» МЧЖ

Болалар ва ўсмирлар учун КИЙИМЛАР

RuDi family

Болалар хурсанд бўладилар!



Ўзбекистон, 100100, Тошкент шаҳри,
Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 40-«Е» уй.
Телефон: (+99871) 255-95-67.
Факс: (+99871) 255-96-37.
E-mail: sibuzinvest@gmail.com
Веб-сайт: www.rudifamily.uz

Фирма дўкони манзили:
Тошкент шаҳри, Юнусобод мавзеси.
Мўлжал — «Аҳмад Дониш буюм бозори» бекати.

247R/75


● Реклама ва эълонлар ●


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ХИЗМАТИ МАРКАЗИНИНГ

ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ

қуйидаги соҳалар бўйича стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар институтига қабул эълон қилади:

11.00.07 — Қуруқлик гидрологияси, сув ресурслари, гидрокимё

11.00.09 — Метеорология, иқлимшунослик, агрометеорология.

Маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: 100052, Тошкент ш., Қ. Махсумов к., 72-уй.
Телефон: (8-371) 235-83-25.
Автобуслар: 2, 38, 42, 88, 89, 95 — «Гидрометмарказ» бекати.

1426R/1182


## ОБ-ҲАВО
(22 октябрь)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Кечаси 3-8 даража илиқ, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Ёмғир ёғиши кутилмоқда. Ҳарорат тунда 9-14, кундузи 14-19 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Кечаси 7-12, кундузи 14-19 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари.** Вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Кечаси 11-16, кундузи 17-22 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Тунда 9-14, кундузи 14-19 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, куннинг иккинчи ярмида ёмғир ёғиши кутилмоқда. Ҳарорат тунда 10-12, кундузи 21-23 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**


## «RESPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖ

**БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

**Аукцион савдосига ТИФ «Миллийбанк»нинг қуйидаги корхоналар устав фондидаги 100 фоиз улушлари қўйилмоқда:**

| Т/р | Аукционга қўйилган объект | Корхона жойлашган манзил | Сотувга қўйилган улуш (%) | Закалат миқдори (%) | Бошланғич баҳоси (сўм ёки АҚШ долларида)* | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Сўм | АҚШ доллари |
| 1. | «REGISTON PLAZA» МЧЖдаги улуш | Самарқанд шаҳри, Шоҳрух кўчаси, 53-уй | 100% | 2% | 40 238 626 300 | 24 627 349,47 |
| 2. | «XORAZM PALASE» МЧЖдаги улуш | Урганч шаҳри, Ал-Беруний кўчаси, 2-уй | 100% | 2% | 26 601 477 200 | 16 280 970,19 |
| 3. | «ANGREN KAOLIN» МЧЖдаги улуш | Ангрен шаҳри, Тошкент кўчаси, 1-уй | 100% | 3% | 10 068 787 264,24 | 6 214 533,55 |

**Аукцион савдоси 2011 йил 24 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.**

Юқоридаги улушлар 2011 йил 24 ноябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2011 йил 28, 30 ноябрь ва 2 декабрь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

***)** Бошланғич баҳоси миллий валюта сўм ёки норезидентлар учун баҳолаш амалга оширилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича АҚШ доллари ёхуд ушбу қийматнинг резидент ва норезидентлар учун тўлов амалга ошириладиган кундаги ТИФ «Миллийбанк»нинг биржадан ташқари курси эквивалентига тенг.

**Тўловларни амалга ошириш тартиби:** аукцион ғолиби улушнинг сотилиш баҳосидан 15 фоиз миқдордаги маблағни савдо ўтказилгандан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини эса олди-сотди шартномасига асосан, лекин муддати 1 йилдан оширилмаган ҳолда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объект хорижий валютада (ёки унинг эквивалентида) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг қолдиқ қисмига банкнинг АҚШ доллари учун база ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришдаги зарур бўладиган давлат божи ва бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, ушбу эълонда белгиланган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчисининг ОАИТБ «Ипак йўли» «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлайдилар: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850. Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан закалат тўловини эркин муомаладаги валюта (АҚШ доллари)да ёки миллий валюта (сўм)да амалдаги қонунчиликка мувофиқ тўланади.

**Манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52.**

**WWW.RKMB.UZ**

14289R/280



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

**ҳузуридаги стажёр-тадқиқотчи-изланувчи ва катта илмий ходим-изланувчи институтларига 2012 йил учун қуйидаги илмий йўналишлар бўйича**

**ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ:**

- ***физика-математика ва техника фанлари;***
- ***табиий фанлар;***
- ***ижтимоий-гуманитар фанлар.***

Қабулга тегишли барча зарур маълумотлар ва қоидалар билан Фанлар академияси илмий тадқиқот муассасалари, илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари ва марказлари ҳамда минтақавий бўлимларида танишиш мумкин.

**Ҳужжатлар 17 октябрдан 5 ноябргача қабул қилинади.**

**Кириш имтиҳонлари 6 ноябрдан 26 ноябргача танлов асосида ўтказилади.**

Стажёр-тадқиқотчи-изланувчи институтига кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар:

— *Ўзбекистон тарихи;*
— *фалсафа;*
— *чет тили (инглиз, немис, француз ёки бошқа тиллардан бири);*
— *мутахассислик.*

Катта илмий ходим-изланувчи институтига кирувчи номзодлар суҳбатдан ўтадилар ва илмий тадқиқот муассасаси кенгашининг қарорига биноан, ўқишга қабул қилинадилар.

Бошқа шаҳарлардан келган мутахассислар ётоқхона билан таъминланадилар.

**Қўшимча маълумотларни www.academy.uz сайтидан олиш мумкин.**

**Маълумот учун телефонлар: (8-371) 233-59-46, 236-77-07.**

1395R/1217


Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбек Давлат драма театри жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Доно Бобохоновага ўғли
**Дэлвар БОБОХОНОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Мадад» суғурта агентлиги очиқ акциядорлик жамияти жамоаси Тошкент вилояти филиалининг собиқ директори
**Ўткир**
**АБДУРАҲИМОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.


ЦЕМЕНТ (пц400 д20) 286,1 ▼ -0,9 | ЦЕМЕНТ (пц400 кд20) 264,8 ▲ +4,0 | АРМАТУРА 3269,5 ▲ +185,7 | ШИФЕР (1 лист) 15728 ▼ -90 | АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 370,1 ▲ +0,5 | Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1054. 49557 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Ғ. Шералиев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.00 Топширилди — 23.00 1 2 3 4 5